# БУТУН КУЧ — КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИГА

## САЙЛОВЧИЛАРНИНГ П. М. МАШЕРОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

МИНСК, 31 май. (ТАСС). Белоруссия пойтахти Ленин сайлов округи территориясидаги саноат корхоналари, муассасалар меҳнаткашлари ва ўқув юртларининг юзлаб намояндалари Округ офицерлар уйи залига тўпландилар. Бу ерда Минск шаҳар Ленин сайлов округидан Белоруссия ССР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Петр Миронович Машеров билан учрашдилар.

Округ сайловчилари ўртоқ П. М. Машеровни республика Олий Советига иккинчи марта номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Учрашувни Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Н. А. Дубовец очди. Шундан кейин ишончли вакил — Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтининг катта илмий ходими, 1920 йилдан партия аъзоси Н. С. Ореховга сўз берилди. У йиғилиш аҳлига П. М. Машеровнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб берди, сайловчиларни сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Октябрь революцияси номли станоксозлик заводининг электр созловчиси Л. Н. Манулик, «Минск-проект» лойиҳалаш институтининг бош архитектори В. П. Шильниковская, Киров номли Белоруссия технология институтининг илмий ишлар бўйича проректори А. Г. Лахтанов, Чет тиллар педагогика институтининг студенти Татьяна Кизевич, Белоруссия ССР Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Иван Шамякин ўз нутқларида бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар.

Учрашувда П. М. Машеров нутқ сўзлади. Йиғилиш аҳли томонидан қизғин кутиб олинган ўртоқ П. М. Машеров билдирилган ишонч учун самимий миннатдорчилик изҳор этди ва буни тамомила жонажон Коммунистик партиямизга билдирилган ишонч деб биламан, деди.

— Бизнинг бутун ҳаётимиз ленинчи партиямиз доно қарорларининг, унинг совет халқи бахт-саодати тўғрисида, социалистик Ватанимизнинг куч-қудрати тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигининг нури билан ёритилгандир, — деди П. М. Машеров.

Депутатликка номзод ўз нутқида сайловчиларга КПСС XXIV съездининг ишлари тўғрисида гапириб берди. Съезд партиямиз, халқимиз қилган улуғвор ишларнинг оламшумул аҳамиятини зўр куч билан намойиш қилди.

Белоруссия совет халқларининг қардош оиласида олға қараб катта қадам қўйди. П. М. Машеров республикада саккизинчи беш йилликнинг якунларини таърифлаб берди. Ўтган йиллар мобайнида давлат маблағлари ҳисобига Белоруссияда илгариги ўн йилликка тенг миқдорда асосий фондлар ишга солинди. Бу якунлар белорус халқини ҳам барча совет кишиларини ҳам қувонтиради. Биз ўтган йиллар чинакам қаҳрамонона, ижодий меҳнат йиллари бўлди, деб айтишга тамомила ҳақлимиз.

Партия XXIV съездининг қарорлари бизнинг ҳаммамизга совет жамиятини янада ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларини, коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш йўллари ва воситаларини равшан кўрсатиб берди. Съезд қарорлари совет халқига чексиз ғайрат ва умидворлик, ишонч ҳамда ишлаш учун яхши кайфият туғдирди.

Ҳозир ҳамма жойда партия съезди қарорларини бажариш учун конкрет амалий тадбирлар белгиланмоқда. Депутатликка номзод ўз нутқида республика меҳнаткашлари коллективларининг 1971 йил учун қабул қилган юксак социалистик мажбуриятлари тўғрисида гапирди. Саноат ходимлари беш йилликнинг биринчи йили планини 27 декабрда бажариш, планга қўшимча равишда 500 та трактор, 150 та юк автомобили, 2 мингта рўзғор холодильниклари, 195 минг тонна минерал ўғит ва жами 250 миллион сўмликдан зиёд бошқа ҳар хил маҳсулотлар чиқаришга ваъда бердилар.

Белоруссия колхозлари ва совхозларининг меҳнаткашлари шу йилнинг ўзидаёқ камида 5 миллион тонна дон йиғиштириб олиш, ўтган йилдаги 17 центнер ўрнига бу йил гектаридан ўрта ҳисобда 19-20 центнердан ҳосил етиштиришни таъминлаш учун курашмоқдалар. Чорвадорлар ҳам ўз олдиларига катта вазифалар қўйдилар.

Бўлиб ўтган съезд, деди П. М. Машеров, биздан ишимизни янада юксак, сифат жиҳатидан юқори даражага кўтаришни талаб этади. Барча резервлар ва имкониятларни, социалистик тузумнинг барча афзалликларини ишга солиш учун ижодий изланиш ва зўр ғайрат билан курашиш ҳаётимиз ва меҳнатимизнинг қоидаси ҳамда услуби бўлиб қолиши керак. Нотиқ саноат ишлаб чиқариши ҳажмини кўпайтириш, маҳсулотнинг сифатини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаб чиқаришни ўстириш борасида республика олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Партия ҳар бир совет кишисининг ўзини том маъноси билан чинакам гражданин, мамлакатнинг хўжайини, Ватанимиз тақдири учун, унинг ҳозирги ва келажаги учун, бизнинг улуғ, умумхалқ ишимиз учун тўла жавобгарликни сезиб турган ижодкор ва арбоб бўлиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмоқда.

Тарих Ленин партияси, совет халқи зиммасига оғир, аммо олижаноб ва фахрли бурчни, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизмга олиб борадиган йўлни биринчи бўлиб очиш бурчини юклади. Биз шу шонли йўлда кўпгина ишлар қилдик ва яқин орада янада улуғвор режаларни амалга оширмоғимиз керак. Халқимиз республика Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайловни ўзининг катта масъулиятли вазифаларини равшан тушунган ҳолда кутиб олмоқда.

П. М. Машеров ўз нутқини тамомлаб кўрсатилган юксак шараф учун республика пойтахти Ленин округининг барча сайловчиларига яна бир бор қизғин миннатдорчилик билдирди ва менинг бутун фаолиятим партиянинг бош йўли тантанаси учун курашдан иборат бўлади, деб сайловчиларни ишонтирди.

## САЙЛОВЧИЛАРНИНГ В. П. МЖАВАНАДЗЕ БИЛАН УЧРАШУВИ

ТБИЛИСИ, 31 май. (ТАСС мухбири). Бугун бу ерда Грузия ССР Олий Советига сайлов ўтказиладиган Заводской сайлов округи сайловчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Василий Павлович Мжаванадзе билан учрашдилар. Республика меҳнаткашлари уни бу сафар ҳам республикадаги давлат ҳокимиятининг олий органига ўз номзоди қилиб кўрсатдилар.

З. Палиашвили номли давлат академик опера ва балет театрида ўтказилган учрашувни округ сайлов комиссиясининг раиси, Тбилисидаги В. И. Ленин номли электровозсозлик заводининг директори А. И. Буадзе қисқача кириш нутқи билан очди. Ишончли вакиллар — Грузия ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республика Фанлар академияси тилшунослик институтининг катта илмий ходими К. В. Ломтатидзе ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тбилисидаги В. И. Ленин номли электровозсозлик заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи В. А. Папинашвили В. П. Мжаванадзенинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида сўзладилар ва сайловчиларни сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этдилар.

Тбилисидаги Киров номли станоксозлик заводининг цех бошлиғи Т. И. Пайчадзе, Тбилисидаги «Электроизолит» заводининг ишчиси В. Ф. Мотинга, Тбилиси театр институтининг студенти М. Г. Тевзадзе, рўзғор иши билан банд аёл Н. Т. Дгебуадзе, генерал-майор В. В. Салтиков партия билан халқнинг бузилмас бирлиги сайлов олдидан тайёргарлик даврида яна бир марта ёрқин намойиш қилинганлиги тўғрисида, меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ғоят ўсганлиги ҳақида гапирдилар.

Шундан кейин мажлис аҳли самимий кутиб олган В. П. Мжаванадзе нутқ сўзлади. У Грузия ССР Олий Совети ва меҳнаткашлар депутатлари Тбилиси шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликлари учун сайловчиларга самимий ташаккур айтди. В. П. Мжаванадзе менга нисбатан кўрсатилган юксак ишончни тамомила ва бутунича жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитетига билдирилган ишонч деб қабул қиламан, деди.

Нотиқ айтдики, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган ҳозирги сайлов шонли бир пайтда ўтмоқда. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари халқимизнинг ватанпарварлик шижоатини, сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини мислсиз кучайтириб юборди.

КПСС XXIV съезди, деди депутатликка номзод, бутун партиямизни, бутун совет халқини аниқ сиёсий йўл билан, беш йиллик даврга мўлжалланган сиёсий программа билан қуроллантирди. Съезд халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлаш тўққизинчи беш йилликнинг энг асосий вазифаси, деб белгилади.

В. П. Мжаванадзе тўққизинчи беш йилликда шу соҳада амалга ошириладиган тадбирларга тўхталиб ўтди, республика меҳнаткашларининг вазифалари ҳақида, Грузия халқ хўжалиги ва экономикасини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар тўғрисида гапирди.

Совет Грузияси ва Грузия Компартиясининг ярим асрлик юбилейи байрам қилинганлиги, деди В. П. Мжаванадзе, грузин халқининг ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу юбилей партиянинг ленинча миллий сиёсати, халқлар тенглиги ва дўстлиги сиёсати амалга оширилаётганлигини очиқ ва равшан исбот этди. Юбилей Грузия меҳнаткашлари қўлга киритган жуда катта муваффақиятларга кўрик бўлди.

Нотиқ сўзини давом эттириб, бундай деди: республикамиз янги беш йилликни ҳам яхши бошлаб юборди. Грузия саноати беш ойлик планини муддатидан илгари, 27 майгача бажарди. Тбилисидаги саноат корхоналари ҳам дастлабки беш ойлик топшириқни 27 майгача бажариб бўлдилар.

Вазифа, деди депутатликка номзод, беш йиллик биринчи йилини ҳам муваффақиятли суратда тугаллашдан, олинган мажбуриятларни шараф билан бажаришдан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилишни анча ўстиришдан, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат.

Юксак мукофот — республикамиз сазовор бўлган Октябрь революцияси ордени, — деб сўзини давом эттирди В. П. Мжаванадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тбилисидаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида, шунингдек КПСС Марказий Комитети СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг табригида халқимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳо Грузия меҳнаткашлари зиммасига катта вазифаларни юклайди, уларни янги муваффақиятларга, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга, хўжалик ва маданий қурилишни янада юксалтиришга чорлайди.

В. П. Мжаванадзе республика меҳнаткашлари иқтисодий тараққиётнинг тўққизинчи беш йиллик план ҳақидаги Директиваларида белгиланган янги марраларини муваффақиятли суратда эгаллайдилар, КПСС XXIV съезди белгилаб берган янги хўжалик-сиёсий вазифаларни шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдирди.

Депутатликка номзод В. П. Мжаванадзе сўзининг охирида ўзига кўрсатилган ишонч учун сайловчиларга яна бир марта самимий ташаккур изҳор қилди ва бу ишончни оқлаш учун ҳамма чораларни кўраман, деди.



Суратда: Урицкий номидаги заводда ишлаб чиқарилган янги троллейбуслар.

# СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

## УРАЛ МАРКАСИ

УРАЛ турбогенератор заводининг коллективи ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ғоятда сифатли бўлишига алоҳида эътибор бермоқда. Завод томонидан чиқарилаётган турбогенераторлар ва бошқа агрегатларнинг тўртдан уч қисмига давлат сифат тамғаси босилмоқда. Улар орасида юз минг ва эллик минг киловатт қувватга эга бўлган турбиналар, турбокомпрессорлар, газ турбиналари бор.

Маҳсулотнинг бундай сифатли ишлаб чиқарилишига планлаштиришнинг ва бошқаришнинг янги системасига ўтилганлиги туфайли эришилмоқда. Аввало заводда қўшимча харажатлар камайди, маҳсулотнинг таннархи арзонга туша бошлади.

Турбомоторсозлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан кўпдан-кўп режаларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, машиналарни тайёрлашда техник шароитларни қайтадан кўриб чиқиш тамомланмоқда, цехларда янги ускуналар ўрнатилмоқда. Корхонада зарур запас деталлар олдиндан тайёрлаб қўйилмоқда. Шунингдек, марказлашган омбор хўжалиги йўлга қўйилди. Натижада материаллар асосий участкаларга график усулда етказиб берилмоқда.

Машинасозлар КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан дастлабки ютукларни қўлга киритдилар. Заводда олимларнинг кўмаги билан техника тараққиётининг перспектив комплекс плани ишлаб чиқилди, меҳнатни ва бошқаришни илмий ташкил этиш юзасидан зарур ишлар бажарилди. Бунда ишчиларнинг умумий билимини янада ошириш кўзда тутилган. Заводдаги кўпчилик ишчилар иккинчи касбни эгаллаб олганликлари бунга ёрқин далилдир. Бу эса корхонада сифатли турбомоторлар ишлаб чиқишга катта ёрдам бермоқда.

## ГАЗ ДАРЁЛАРИ

БОКУДАН 50 километр узоқда жойлашган Баҳор денгиз нефть конидан миллион куб метр газ чиқариб олинди. Мастерлардан Э. Асланов, З. Дальякан бошлиқ бўлган бригадаларнинг кончилари графикдан ўзиб кетдилар. Улар лойиҳада кўрсатилган 4456 метр чуқурликкача етиб бордилар. «Азморнефтеразведка» трестининг бу илғор коллективлари ўзларига хос янги рекорд қўйдилар.

Каспийнинг мазкур районида ҳозирча бундай қудуқлардан 4 таси ишлаб турибди. Баҳор конида эса яна 16 та қудуқни ишга солиш мўлжалланмоқда.

КПСС XXIV съезди Директиваларида денгиз ости нефть конларини ишга солиш юзасидан зарур вазифалар қўйилган. Озарбайжон нефтчилари ана шу вазифаларни бажариш юзасидан астойдил меҳнат қилмоқдалар.

## СОВЕТ КИШИЛАРИ УЧУН

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ шаҳарларида йўловчиларга хизмат қилиб турган троллейбусларнинг 90 процентдан кўпроғини Саратов областидаги Энгельс шаҳарида жойлашган Урицкий номли завод коллективи етказиб бермоқда. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги чет мамлакатларга ҳам юборилиб турибди.

Корхона коллективи янги беш йилликда тағин ҳам зўр ғайрат билан ишламоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ пландан ташқари ўнларча конфортабель машиналар ишлаб чиқарилди. Корхона коллективи ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда заводни реконструкция қилиш ишларини тугалламоқда. Кейинги икки йилнинг ичида бир қанча янги корпуслар фойдаланишга берилди. Корхонада ишлаб чиқариш процессларининг ғоятда фойдали бўлишига эътибор берилмоқда. Яқинда заводда янги «ЗИУ-9» троллейбуси ишлаб чиқарилди. Унда уч эшик бўлиб, унда ички салон тағин ҳам кенгайтирилган. 1971 йилда бундай троллейбусларнинг бир неча партияси шаҳарларга юборилади.

# „ЎРТОҚ АКМАЛ“

ТАҚРИЗ

«Ўзбекистон» нашриёти рус тилида Қўчқор Ҳасановнинг шу номли китобини босмадан чиқарди. Оловли йилларда халқ бахти учун, социализм ва коммунизм қурилиши учун курашда актив иштирок этган, Коммунистик партия ва кўпмиллатли Совет давлати тарихига номи олтин ҳарфлар билан ёзилган революционерлар сафида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Акмал Икромов ҳам бор эди. Муаллифнинг «Ўртоқ Акмал» деб аталган ушбу китоби оташин курашчи, партиянинг содиқ фарзанди Акмал Икромовнинг кўп қиррали ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган.

1918 йилнинг февраль ойидан бошлаб партия аъзоси бўлган Акмал Икромовнинг бутун ҳаёти улуғ Ленин партияси фаолияти билан боғлиқдир. У, чор Россиясининг энг чекка мустамлака ўлкаси бўлган Туркистон меҳнаткашларининг озодлиги, социализмнинг, ленинча миллий сиёсатнинг тўла ғалабаси учун курашнинг олдинги сафларида борди. А. Икромов партия ходимлари ичида марксча-ленинча назарияни пухта эгаллаган, чиниққан ташкилотчи, оддий ва камтарин, ўзига талабчан, одамларга ғамхўр, меҳрибон киши эди. Ўрта Осиё республикалари ҳаётида рўй берган жуда кўп ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда муҳим воқеалар, энг муҳими, Совет Ўзбекистонида социализм қурилишидаги муҳим воқеалар унинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. У 1918 йилдан 1937 йилгача халқ манфаатлари учун, ўлка равнақи учун фаол меҳнат қилиб, республика меҳнаткашлар оммаси, коммунистлар орасида катта эътибор ва шуҳрат қозонди.

А. Икромовнинг кўп қиррали ҳаёт фаолияти партия ва халқ учун, коммунизм қурилиши учун чинакам хизмат қилишнинг ёрқин мисолидир. Ватан ўғлонларининг энг яхши иши, уларнинг революцион традициялари ҳақида гапирганда, В. И. Ленин ибораси билан уларни революцион авлод руҳида тарбияланган кишилар дейиш мумкин.

Қ. Ҳасановнинг «Ўртоқ Акмал» китоби бир қатор архив материалларига асосланган бўлиб, кенг китобхонлар оммасига анча янгиликлар беради. Китоб А. Икромов билан бирга ишлаган кишилар, унинг қариндошлари хотиралари ва илгари эълон қилинмаган янги фактлар билан ҳам тўлдирилган.

Чуқур изланиш, эсдаликларни атрофлича ўрганиш, улардан умумий хулосалар чиқариш авторга Ўзбекистонда социализм қурилиши тарихини ва А. Икромовнинг ҳаёт фаолиятини тўғри ёритиш имкониятини беради. Китоб муаллифи Икромовнинг фаолиятига ёндошар экан, партиявий принципда туриб иш кўради. У Ўрта Осиё халқлари тарихини сохталаштирувчи Боймирза Хайитнинг А. Икромов «Туркияда туғилган, асли туркияликдир» деган бутунлай ёлғон, сохта даъвосини рад қилиб, А. Икромов 1898 йилда Тошкентда, Ўқчи маҳалласида туғилганлигини, у бутун вужуди ва фаолияти билан ўзбек халқига мансублигини янги фактлар билан исботлайди.

Китобнинг қиммати шундаки, автор Акмал Икромовнинг ҳаёт йўли орқали Совет Туркистони меҳнаткашларининг социализм қуриш учун олиб борган курашини кўрсатади. 13 яшар Акмал меҳнатнинг ва турмушнинг нақадар оғирлигини шахсан ҳис қилади. У дастлаб Тошкент ва Пскентда қурувчи-сувоқчи бўлиб ишлайди. У Октябрь революциясини Тошкентда кутиб олади. Революциянинг биринчи кунидан бошлаб Совет ҳокимияти учун курашчилар сафида бўлади. Тошкентдаги Эски шаҳар мактабининг дастлабки ўқитувчиларидан бири бўлган Акмал кейинчалик партиянинг йирик арбоби бўлиб етишади. Булар китобда конкрет фактлар билан кўрсатиб берилган.

Китобда А. Икромов сиёсий онгининг ўсиб боришида у билан бирга ишлаган рус дўстлари — В. И. Ленин томонидан Туркистонга юборилган машҳур партия арбоблари М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, С. И. Гусев ва бошқаларнинг роли, таъсири яхши кўрсатиб берилган. Қ. Ҳасанов архив материаллари ни ўрганиш асосида ва РКП(б) Марказий Комитетининг миллий республикалар ва областлар масъул партия ходимлари иштирокида ўтган кенгаши материалларига таяниб, Акмал Икромов миллий масала бўйича партиянинг бош йўлини тўла қўллаб-қувватлаганлигини ва уни амалга оширишда шахсан қатнашганлигини таъкидлайди. Шу билан бирга автор, Икромовнинг ўша кенгашда сўзга чиқиб, баъзи хатоликларга йўл қўйганлигини ва РКП(б) Марказий Комитети уни ўз вақтида тузатганлигини ишончли фактлар билан очиб беради. Икромовнинг Ўрта Осиёда миллий масалани тўғри ҳал қилишда ҳамда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва республика Коммунистик партияси Марказий Комитетини тузишда ташкилотчилик ролини ўйнаганлиги ёрқин ва ҳаётий далиллар билан тасвирланган. Китобда Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти умумлаштирилади ва республика Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари А. И. Икромовнинг республикада оғир саноатни ривожлантиришдаги, хотин-қизлар озодлиги ва коллективлаштириш учун кураш йилларидаги хизматлари батафсил баён этилади. А. Икромов республикада партия-совет комиссиясининг раиси сифатида ер-сув ислоҳотини ўтказишда актив қатнашганлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, республика халқ хўжалиги, маданиятини ривожлантиришдаги катта ташкилотчилиги ва бу соҳадаги хизматлари учун 1935 йили Ленин ордени билан тақдирланади.

Акмал Икромов фаолиятидаги марказий масалалардан бири — Ўзбекистон Компартияси ва Ўрта Осиё партия ташкилотларини ғоявий-ташкилий жиҳатлардан мустаҳкамлаш эди. Бу масала ҳам китобда тўлалигича очиб берилган. Автор унда маданий революцияни амалга оширишда Икромовнинг қандай роль ўйнаганлиги билан китобхонларни таништиради. Бу масала китобнинг «Фақат интернационализм!» деган бобида баён қилинган. Унда республика Компартияси Марказий Комитетининг ленинча миллий масала программасини амалга ошириш Икромов фаолияти билан боғлиқ равишда ҳикоя қилинади.

Асарда бу каби ижобий томонлар билан бирга айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Икромовнинг 1925 йилгача бўлган фаолияти яхши ёритилмаган. Китобнинг 13 қисмидан атиги икки қисми унинг дастлабки фаолиятига бағишланган, холос. Ваҳоланки, бу даврдаги Икромов фаолияти жуда қизиқарли, серқиррали бўлиб, қизғин кураш йиллари билан боғлиқ. Китобда А. Икромов билан бирга хизмат қилган жуда кўп кишиларнинг номлари келтирилади. Бироқ, буларнинг кўпчилиги китобхонларга номаълумдир. Ундан ташқари, китобда анчагина қайтариқ фикрлар ҳам бор. Автор асарни ўзбек тилида нашр этишда бу мулоҳазаларни ҳисобга олади, деб ўйлаймиз.

**А. ОРТИҚОВ,**
**Фалсафа фанлари доктори, профессор.**
**Х. ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тарих фанлари кандидати, доцент.**

# ҚУЁШ БОЛАЛАРИ

ЛАВҲА

Қуш тинса тинадики, лекин Маҳаммад Солиҳович тиним билмайди. Баъзан тонг саҳардан оқшомгача — бутун кунни тик оёқда ўтказади. Ташкилотчи, жонкуяр раҳбар. Санаторийни гуллар маконига, дарахтзорга айлантиргунча озмунча елиб-югурдими, ахир?! Бу ерлар тўрт-беш метр чуқурлик-жарликлардан иборат эди. Шундай оғир шароитда тупроқ сурдириб, ўзи ҳам ип тортиб, қўли билан дарахт ўтқазди, гул экди. Мана эндиликда коллективнинг бошини қовуштириб, эл-юрт таҳсинига сазовор бўлиб келаётир.

Ходимлари ҳам бири-биридан ишчан, жонкуяр, болажон. Бўлим бошлиғи Таисия Николаевна Алямская тажрибали шифокор, меҳрибон устоз. Фтизиатор врачлардан Э. Иноғомхўжаева, С. Исломова, ҳамширалардан Л. Баҳромова, М. Ғиёсова, Х. Миртожиеваларнинг маслаҳатгўйи, муаллимаси Таисия Николаевна дейиш мумкин. Санаторийда болаларнинг дардига малҳам бўлиб, тезда соғайиб кетишида оддий боғбондан тортиб ҳамшира-тарбиячигача — ҳамманинг беминнат олий хизмати бор. Кейинги тўрт йил давомида бу ердан тўрт мингдан зиёд ширин-шакар ўғил-қизчалар шифо топиб чиқдилар. Болаларнинг ўртача семириши 2,5 килограмм ва ундан ҳам ортиқ. Қон формуласи нормаллашиб бораётир. Хасталарда тўла клиник самарадорлик 92,5 процентни ташкил этади.

Бемор болаларни ўқитиш, уларга таълим-тарбия бериш санаторийдаги мактаб ўқитувчиларининг жонажон иши. Мурод Ёқубович Аҳмаджонов бошлиқ ўқитувчилар коллективи, тарбиячилар 1-7 синфлардаги ўқувчилар билан ота-онадек иноқ бўлиб кетишган. Хуллас, санаторий болаларнинг иккинчи қадрдон уйига айланиб қолган.

Кун чиқиш томонга қараб нишоб бўлиб кетган катта боғ шохлари ғуж-ғуж олма, ўрик, олча ҳамда шу йил эрта кўкламда ўтқазилган мевали ва манзарали дов-дарахтлар билан тўла. Боғнинг қоқ ўртасидан ёриб, тор йўлка ўтган. Ариқчада муздек, тиниқ зилол сув шилдираб оқиб турибди.

Деразаси очиб қўйилган ёруғ хонада бош врач уч-тўрт нотаниш киши билан гаплашиб ўтирибди.

— Мумкинми, ўғлим? — сўради эшик очилиб, остонада тўхтаган соқоли бир тутам чол қўл қовуштириб, — Неварамни бир кўриб кетай деб келган эдим.

— Кираверинг отахон, марҳамат!... — Бош врач Маҳаммад Солиҳов ўрнидан туриб, отахоннинг қаршисига пешвоз чиқди. Салом бериб, қўлини олди ва тўрдан жой кўрсатди.

Чол хонада ўтирганлар билан саломлашди. Сўнг бошини юқори кўтариб, бош врачга қараб жилмайди.

— Отахон неварангизнинг исми нима? Шу ерга чақиртира қолайлик, — деди Маҳаммад ака самимийлик билан.

Нафасини ростлаб олгач, чол гулдор рўмолининг учи билан хиралашиб қолган кўзларини аста артди.

— Раҳмат, ўғлим, — деди у мамнунлик билан, — неварамни кўрдим. Ўзиям роса соғинган экан шекилли, бўйнимдан маҳкам қучиб, у юзимдан-бу юзимдан ўпди. Ранг кириб, семириб қолибди. Соғлиғинг қандай десам, бош бармоғини кўрсатади. Демак, яхши дегани бўлса керак-да. Шу десангиз, ўғлим, сизга миннатдорчилик билдиргани кирувдим. Барака топинглар, бола-чақаларингизни роҳатини кўринглар. Тилагим шу ўғлим.

Отахон хайр-хушлашиб чиқиб кетди. Орқасидан кузатиб чиққан Маҳаммад акани қайтиб келаётганида қаршисидан чиқиб қолган бир тўда болалар қуршаб олишди. Бирининг пешанасидан ўпди, иккинчисининг юзини силади, учинчисини «Баракалло, катта бўл!» деб эркалади. Зум ўтмай попукдай ўғил-қизлар давраси кенгайди-қолди. Дам олиш кун эмасми, фарзандларини кўришга келган ота-оналар, таниш-билишларни навбатчи шифокор, ҳамширалар очиқ чеҳра билан кутиб олишар эди.

Тошкентдаги 1-болалар санаторийсининг аҳил коллективи кичкинтойлар ўртасида ўйин-кулги билан ҳордиқ чиқаришни ҳар қандай дори дармондан афзал эканлигини яхши тушунишади. Шу боисдан бу ерда қувноқлик тароналари янграгани-янграган. Айниқса, болаларнинг бағри тўлиб қолган дам олиш кунларида «ойижон, дадажон» деган юракка яқин сўзлар алламаҳалгача эшитилиб туради.

Шундай бахтиёр диёрда ва ҳур замонда шифо топиб, қувнай-қувнай камолга етаётган бир чоғда жаҳолат, зўрлик, очлик, ялонғочлик ҳукмрон бўлган капиталистик мамлакатлардаги тенгдошлари қанақа кун кечиришаётганликларини билишармикин улар? Яқинда «Правда» газетасида шундай бир ҳабар босилиб чиқди.

...Ли Эдвардс энди ўн ёшга тўлди. Бу жажжи қиз ота-онаси билан Техасдаги Хъюстон шаҳрида яшайди. Отаси унча катта бўлмаган компаниялардан бирида бошқарувчи, онаси эса бакалея дўконида кассир бўлиб ишлайди.

Кунлардан-бир куни қизча ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Ота-онаси уни чиройли ном билан аталувчи «Тайдлэндс» госпиталига олиб боришди. Бир ҳафталик текшириш ва анализлар шуни кўрсатдики, Линиг буйрагидан бири бутунлай ишдан чиққан экан. Врач қизни операция қилмасдан, дори-дармон билан даволаш кераклигини айтади. Маълум бўлишича, ҳар ҳафтада 35 долларлик дори сотиб олишга тўғри келаркан. Ота-она молиявий имкониятларини чамалаб чиқиб, қизини даволаш учун қўллари калталик қилишини тушуниб, операцияга рози бўлишади. Бироқ, эр-хотин Эдвардс госпиталига 800 доллар тўлаши керак эди...

Ана шулар ҳақида ўйлар экан, Маҳаммад Солиҳовичнинг юраги эзилиб кетди. Бахтиёр болаларнинг шўх овози унинг ҳаёлини бўлиб юборди.

Санаторийда ҳамма нарса қувноқ ўғил-қизчалар учун! Меҳрибон қўл, ширин сўз, майин табассум... Дуркун ўғилчалар, ширин-шакар қизчалар ўз уйидагидек чексиз ғамхўрлик, меҳр билан қуршаб олинган. Азиз фарзандлар ором олиб, алла тингламоқчи бўлса ёруғ хона, онасидек дилкаш тарбиячиси, ўқимоқчи бўлса билим ўчоғи, ўйнаб-кулмоқчи бўлса соя-салқин боғ-роғи бор. «Ҳар доим бўлсин қуёш» қўшиғи уларнинг доимий ҳамдами, ҳамроҳи.

**М. МУҲСИМОВ.**

